

ЯПОНИЯНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲУДУДЛАРИ ТАРИХИ

А.Ш.Суюнов

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти ассистенти

С.Сағдуллаева

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти талабаси

Аннотация


Мелиоратив тармоқларида бугунги кундаги замонавий усуллар ва ускуналарни таҳлил қилиш мақсадида соҳанинг тарихини билан танишиш керак. Шу мақсадда риволланган давлатлар тарихи ўрганилди.

Географик жойлашганлиги

Япония давлати Осиёнинг шарқий қисмида жойлашган бўлиб (шимолдан жанубга қараб Хоккайдо, Хонсю, Сикоку, Кюсю) каби йирик орллардан ва 3000 дан ортиқ кичик ороллардан ташкил топаган. Мамлакат Осиё муссон ҳудудида жойлашганлиги учун у ерда мўтадил иқлим шароити шаклланган.



Япониянинг умумий майдони 377,95 минг километр квадратни ташкил этади. Жумладан қишлоқ хўжалиги майдонлари 15% (56,7 минг км²), шаҳар ҳудуди 5% (18,9 минг км²), ўрмонлар 66% (249,5 минг км²), сув майдонлари (дарёлар, каналлар, кўллар) ва йўллар 3% (11,34 минг км²) ва бошқалар 8% (30,2 минг кв²). Қишлоқ хўжалиги майдонлари 4,593 млн. га (2010 йил) бўлиб, аксарият қисмида 54% (2,5 млн. га) шоли етиштирилади. Ёғингарчилик юқори бўлганлиги туфайли



қолган 46 % (2,1 млн га) майдоннинг 20% (0,9 млн. га) суғориш ишлари амалга оширилади.

Япония аҳолиси 128 млн кишдан ундан қишлоқда 2,6 млн дан ортиқроғи қишлоқларда истиқомат қилади. Қишлоқ хўжалигида ишлайдиган аҳоли 2,05 млн кишини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигини ялпи миллий маҳсулотдаги улуши 1% ташкил этади.

Мелиоратив ҳудудлари тарихи

Японияда фермерлараро ирригация ва дренаж тармоқларига хизмат кўрсатувчи ташкилот «Мелиоратив ҳудуд» (МХ) деб аталади. Мелиоратив ҳудуд «Ерлар мелиорацияси тўғрисида» қонун асосида ташкил этилган фермерлар уюшмаси бўлиб, у қишлоқ хўжалиги майдонларини сув билан таъминлаш ва ортиқча сувларни олиб кетиш, қишлоқ хўжалиги ерларини ободонлаштириш, бу ишларни амалга ошириш учун иншоот ва жиҳозлардан фойдаланиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш базасини янада мустаҳкамлаш учун тузилади. Юқорида келтирилган ишларни яқка тарзда бажариб бўлмайди, чунки бу технология, молиялаштириш, манфаатлар каби масалаларни тўғри ҳал этишни талаб қилади. Шунинг учун бу ҳолларда биргаликда ҳаракат қилиш зарур. Мелиоратив ҳудуд - бу жамоавий тусга эга бўлган маҳаллий ресурсларни (сув ва ер) биргаликда ҳам ишлаб чиқариш ҳам маиший мақсадларда ишлатишга йўналтирилган ташкилотдир.

Японияда жамоавий сув истеъмолчилар уюшмаси дастлаб 300 йил олдин ташкил этила бошланган. Кейинчалик 1909 йилда «Суғориш уюшмалари тўғрисида» қонун улар ўз фаолиятини ушбу қонунга асосланиб юрита бошлашган. Шунини таъкидлаш зарур-ки, суғориш майдонлари билан боғлиқ



масалалар 1900 йилда қабул қилинган «Ер майдонларини йириклаштириш тўғрисида»ги қонунга биноан ҳал этилган. Бу жараён 1946 йилгача давом этган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 1946 йилда АҚШ таъсирида қишлоқ


хўжалигида ислоҳатлар олиб борилиб, йирик ер эгаларидан ерлар олиниб қишлоқ аҳолисига берилган. 1949 йилда «Ерлар мелиорацияси тўғрисида» қонун қабул қилинган ва унга кўра мелиоратив ҳудудлар ташкил этилган. Дастлаб 10 мингдан ортиқ мелиоратив ҳудудлар ташкил этилган бўлсада, кейинчалик улар

йириклаштирилиб сони қисқармоқда. Ҳозирги даврда мелиоратив ҳудудлар сони 5 мингтани ташкил этади.

Япониянинг мелиоратив ҳудудлари, уларнинг аъзолари тўғрисида маълумот

Йил	Мелиоратив ҳудудлар			Мелиоратив ҳудуд федерациялари		
	Сони	Майдони	Аъзолар сони	Сони	Майдони	Аъзолар сони
1960	13,041	3.158.130	5.002.255	138	319,032	
1965	12,557	3.397.279	4.861.642	143	373,708	
1970	11,664	3.514.391	5.073.195	137	405,447	559,81
1975	10,186	3.499.481	5.068.663	123	408,946	581,765
1980	9,031	3.431.226	4.891.442	116	417,5	605,451
1985	8,476	3.354.854	4.745.974	112	419,089	585,678
1990	8,132	3.253.048	4.661.856	106	388,423	536,353
1995	7,681	3.159.846	4.547.115	100	370,805	519,516
2000	7,004	3.014.601	4.324.265	89	342,748	474,344
2005	6,816	2.830.785	4.041.847	81	310,156	460,17
2010	5,04	2.681.679	3.798.497	77	283,921	421,811
2011	4,943	2,685,505	3,755,481	77	283,571	420,842

Камэдагомелиоративҳудуди



Камэдаго мелиоратив ҳудуди (МХ) илк бор 1948 йилнинг ноябр ойида Камэдаго суғориладиган ерлар бирлашган иттифоқи номи билан ташкил этилиб, 1949 йил июн ойида «Мелиорация тўғрисида» ги қонунга мувофиқ қайта тузилган. 1951йилнинг 1-ноябрида рўйхатдан ўтказилган